

Маҳалла

15 (721)

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2010 йил 15 апрель. Пайшанба

ISSN 2010-7013

ФАРМОН ВА ИЖРО

“Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ – 2010” кўргазмаси

Ўзбекистонда «Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ – 2010» халқаро кўргазмаси иш бошланди. Таъбир ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири, Савдо-саноат палатаси, «Ўзтибтехника» масъулияти чекланган жамияти, Республика стоматологлар уюшмаси, ПТЕ Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Икромов юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар шифо масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, халқимизга кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш, жаҳон тиббиётининг энг илғор ютуқларини ўзлаштиришда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларни юқори босқичга олиб чиқишда муҳим дастуриямал бўлаётган. Ушбу ҳужжатга биноан, барча вилоятларда ягона стандартлар асосида хизмат кўрсатувчи кўп тармоқли тиббиёт марказлари, шаҳар ва туманларда тиббиёт бирлашмалари ташкил этилди. Вилоятларда замонавий тиббий диагностика марказлари ишга тушди. Ихтисослашган шифо масканлари тармоғи кенгаймоқда. Бундай ишлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофазалашда яхши самаралар бераётган.

Анъанавий тарзда ташкил этилаётган мазкур кўргазма тиббиёт ускуналари, фармацевтика, эстетик тиббиёт ва стоматология соҳасидаги энг сўниги ютуқларини намойиш этиш, тажриба алмашиш, тиббиёт тизимида эришилаётган янгиликларни омалаштиришга хизмат қилмоқда. Бу йилги кўргазмада йигирма беш мамлакатдан 145 компания вакиллари иштирок этмоқ-



да. АҚШ, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Россия, Туркия, Украина, Япония, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлардан келган компаниялар энг янги технология ва доридармонларни намойиш этмоқда.

— Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор туфайли даволаш ва диагностика ишлари жаҳон андозалари даражасига чиқмоқда, — дейди Венгриядаги «Инномед медикал» компанияси менежери Агния Чикай. — Бу жараёнда биз ҳам ўз маҳсулотларимиз билан иштирок эта-

ётганимиздан мамнунмиз. Мамлакатингиздаги тиббиёт муассасаларида компаниямизда ишлаб чиқарилаётган замонавий даволаш ва диагностика тиббий-асбоб ускуналаридан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Кўргазмага ЭКГ, монитор, дефибрилятор сингари янги турдаги аппаратларни олиб келдик.

«Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ» кўргазмаларида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг иштироки тобора кенгайиб бораётган. Жорий йил кўргазма экспозициясининг 34 фоизини юртимиздаги компаниялар маҳсулотлари эгаллагани

бунинг исботидир. «Нобелфармсанот» корхонаси ана шундай етакчи ишлаб чиқарувчилардан бири. Олтидан кўпроқ номада тиббиёт воситалари ишлаб чиқарилаётган корхона маҳсулотларига нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам талаб ошиб бормоқда.

Бир ҳафта давом этадиган тадбир доирасида тиббиётнинг турли соҳаларига оид долзарб масалаларга бағишланган илмий анжуманлар ҳам бўлиб ўтади.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ўзбекистоннинг изчил ислохотлари бераётган юксак самараларнинг халқаро эътирофи

Авал хабар қилинганидек, Тошкентда 12 апрель куни «Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Мағди ДАЙФ, Миср Араб Республикаси ахборот вазирининг маслаҳатчиси, журналист:

— Мазкур халқаро илмий-амалий анжуман Ўзбекистон раҳбари узоқни кўзлаб юритаётган оқилона иқтисодий сиёсатининг, глобал молиявий-иқтисодий бўҳронни бартараф этиш йўлида олиб бораётган кенг қамровли ислохотлар бераётган самаралар анжуман иштирокчилари — халқаро экспертлар, бизнесменлар, дипломатлар, олимлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари янада ошириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар бераётган самаралар анжуман иштирокчилари — халқаро экспертлар, бизнесменлар, дипломатлар, олимлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари томонидан юксак баҳолади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 2009 йили 8,1 фоизни ташкил этгани фоят юксак натижадир.

Президент Ислам Каримов раҳномлигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар киритишни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Кўзлаб халқаро молия институтлари мамлакатингизда йирик қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этаётгани бунинг далилидир. Бой салоҳиятга эга Ўзбекистоннинг чуқур ва пухта ўйланган стратегияси жиддий ўрганишга лойиқдир.

Раманатан ТЕЙВЕНДРАН, Менежментни ривожлантириш институти бош котиби (Сингапур):

— Ушбу конференция жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш ва унинг оқибатларини енгилаштириш борасида Ўзбекистон эришган муваффақиятларни ўрганиш нуқтан назаридан муҳим аҳамиятга эга. Унда ўнлаб мамлакатлардан юзлаб давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, дипломатлар, олим ва экспертлар, нуфузли халқаро молия ташкилотларининг вакиллари иштирок этгани бунинг яққол тасдиғидир. Давлатингиз раҳбари Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида мамлакатингиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва халқингиз турмуш даражасини юксалтиришнинг асосий тамойиллари аниқ белгилаб берилгани туфайли Ўзбекистон глобал молиявий-иқтисодий инқироздан деярли азият чекмади. Мазкур дастур берган самараларни кенг ўрганиш ва бошқа мамлакатларда ҳам қўллаш жаҳон иқтисодий юксалишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

Шу ўринда мамлакатингиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар бераётган юксак самараларни алоҳида таъкидлашни истар эдим. Юртингизда ёш авлоднинг пухта билим олиши, ўз касбининг етуқ мутахассиси бўлиб етишиши, умуман, ёшлар камолоти учун барча зарур ва қулай шарт-шароитлар мавжуд. Мазкур соҳада мамлакатингиз билан ҳамкорлигимиз жадал ривожланаётгани бизни фоят қувонтиради.

(Давоми 2-саҳифада)

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш — давр талаби



Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқарувида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви ҳамкорлигида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига оид қонунчилик асосларини ривожлантиришда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари ва уларни амалга ошириш йўллари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

— Мамлакатимизда шукруенти Ислам Каримов шу маънада ривожлантириш бўлиб ўтдида «Устоз—шогирд» анъанасида

ва ваколатларини кенгайтириш ҳақида гапириб: «Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарур», дея таъкидлади, — деди қўмита раиси Акмал САИДОВ давра суҳбатини очар экан. Бу бежизга эмас. Бугун маҳалла миллий институт сифатида ҳар биримизнинг кундалик ҳаётимизда, турмушимизда катта роль ўйнамоқда. Барча юрдошларимиз маҳаллада яшайди ва унинг доирасида амалга оширилаётган ишларда бевосита иштирок этади. Фуқаролар йиғинлари мамлакатимиздаги энг кўп сонли фуқаролик жамияти институтидир. Ростдан ҳам бу қишлоққа борган одам оқсоқолнинг гапларида жон борлигига амин бўлади. Бепоен кенгликлар бағрида, адоғи йўқ чўла ва яйловлар эгалигида бу манзил бир қарашда овлоқ, одамни ўзига жалб этмайдиган ҳудуддек туюлади. Аммо ичкарилаганингиз сари қайноқ ҳаёт сизни ўзига тортади. Авва-

(Давоми 2-саҳифада)

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Инсон қадри азиз, муқаддас

Обод манзиллар орасида шундай бир гўша борки, у ўзининг соқинлиги, вазминлиги билан кишини мазий сарҳадларига чорлайди. Хаёлингизда бир олам хотиралар уйотади. Бу Хотира майдонидир. Дарҳақиқат, инсон қадри ҳар нарсадан азиз ва муқаддас. Мустақиллик бизга инсоний туйғуларни чин маънода тиклаб, қайтариб берди. Юртимизда «Хотира ва қадрлаш куни»нинг кенг нишонланиши бунинг ёрқин ифодасидир.

Нуроний устозларнинг «Хотира ва қадрлаш куни»нинг моҳияти ҳақида дил

сўзларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Авал Ватан, сўнгра жон

Ўзбекистон жаннатмакон ўлка. Халқимиз меҳнатсевар, меҳмондўст, соддадил, оққўнли. Бирок, афсуслар бўлсинки, узоқ йиллар халқимиз ўз Ватанида ватансиз эдилар. Босқинчилар меҳнатсеварликни қуликка айлангирди. Аммо она-Ватанини жону дилдан севган халқ озодлик йўлидан, унга эришиш орзусидан қайтма-



ди. Ҳурриятга етишиш учун собит турди. Упан аср бошларидаги «инқилоб», инқилби жаҳон уруши, шахста сиғиниш йиллари, афрон уруши, «Пахта иши» каби қатағонлар даврида халқимизнинг қанча асл фарзандлари

жабр-жафо чекмади дейсиз. Уларни унутиб бўладими, ҳар баҳорда номларини тилга олмади, хотираларига дуолар қилмай бўладими?

ГУЗАРДАГИ ГУРУНГЛАР > [8]

ТОМОРҚА—ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Оилавий бизнесни ривожлантириш даромадни кўпайтириб, турмуш фаровонлигини таъминлайди

— Қишлоқимизда бирорта ҳам бекорчи одамни кўрмайсиз, десам ишонасизми? — дейди Чироқчи туман ўтамайл қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Расул Тўраев.

Тўғриси, оқсоқолнинг бундай ишонч билан гапириши кишида қизиқиш уйғотиши табиий. Ростдан ҳам бу қишлоққа борган одам оқсоқолнинг гапларида жон борлигига амин бўлади. Бепоен кенгликлар бағрида, адоғи йўқ чўла ва яйловлар эгалигида бу манзил бир қарашда овлоқ, одамни ўзига жалб этмайдиган ҳудуддек туюлади. Аммо ичкарилаганингиз сари қайноқ ҳаёт сизни ўзига тортади. Авва-

ло, қир-адирларда чўзилиб кетган оппоқ булутдай тепачаларга кўзингиз тушади. Сўнг худди шу манзарани ҳар бир хонадонда эртасиз — бу ерда бўш ётган томорқанинг ўзи йўқ.

— Бу чироқчиликларнинг ўзига хос тажрибаси, — дея изоҳ беради оқсоқол Расул Тўраев. — Лалми ерларда плёнка остида эртапишар полиз маҳсулотлари етиштирилади. Бу тажрибани биринчи бор қишлоқдошимиз Улуғбек Жуманазаров қўллаган. Ишонасизми, май ойининг бошидан бозорга эртапишар тарвуз чиқарамиз. Жуда ширин, таъми оғзингизда

қолади. Республикаимиз бўйича тарвуз етиштиришда чироқчилик деҳқонлардан ўтадигани йўқ, десам лоф бўмайди.

Тўғриси, Чироқчи тажрибаси бизни ҳам қизиқтириб қолди. Оқсоқол билан бирга Улуғбек Жуманазаровнинг хонадонига бордик. Томорқадаги катта-кичик иссиқхоналару плёнка остидаги экинларни кўриб ўзингизни худди ботаника бонига келиб қолгандек ҳис этасиз. Иссиқхоналардаги бодринг, помидор, лимон ва турли кўкатлар айна пишиқчилик фаслини эслатади.

ИҚТИСОДИЁТ > [3]



СЎЗ – КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ўзбекистоннинг изчил ислохотлари бераётган юксак самараларнинг халқаро эътирофи

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Константин МАКАРЕНКО, Сумск савдо-саноат палатаси раиси (Украина):

– Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар бераётган юксак самаралар билан яқиндан танишганимдан мамнунман. Бюджет, молия-банк ва кредит тизимини, иқтисодий реал сектори тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, ишлаб чиқаришнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш мақсадида модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилаш Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурининг асосий йўналишларидандир.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари кўлаб соҳаларда, жумладан, иқтисодий жабҳада изчил ривожланмоқда. Мамакатларимиз ҳамкорлигини янада кенгайтириш борасида улкан салоҳиятга эга. Хусусан, кимё, энергана саноат, машинасозлик каби тармоқларда ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари мавжуд.

Ҳар гап Ўзбекистонга келганимда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларидан ҳайратланаман. Мамакатингизнинг истиқбол янада буюк эканига ишончим комил.

Эрнест БУЙВИД, публицист, иқтисодий таҳлилчи (Латвия):

– Дунё мамлакатларининг аксарияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бошидан кечираётган ҳозирги шароитда, Ўзбекистонда изчилик билан амалга ошириб келинаётган стратегия нечоғли узоқни кўзлаб, чуқур ва пухта ишлаб чиқилгани аққол намоен бўлмоқда.

Мамакатингиз раҳбари томонидан ўз вақтида ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган оқилона сиёсат тўғрисида глобал иқтисодий инқироз Ўзбекистонга деярли салбий таъсир кўрсата олмади. Натижада Ўзбекистоннинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари муттасил ошиб бормоқда. Бу Президент Ислам Каримовнинг буюк хизматларидан бири эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзбекистонда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, корхоналарни модернизация қилиш ва уларнинг ташқи бозорлардаги фаолиятини кучайтириш, ички бозорни рабатлантириш ва шу орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда. Амалга оширилаётган бундай кенг қўламли ва изчил ислохотлар натижада мамлакатингизда автомобилсозлик, энергетика, йўл қурилиши, транспорт ва транспорт коммуникациялари, банк-молия, қишлоқ ва сув ўҳжалиги каби кўлаб соҳалар жадал ривожланмоқда.

Хюн Жунг ТАИК, Ривожланиш институтининг президентининг маслаҳатчиси, профессор (Жанубий Корея):

– Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, изчилик билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури бераётган юксак самараларга бағишланган мазкур халқаро анжуман ҳар томонлама фойдали бўлди.

Конференцияда глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар бераётган самаралар билан аниқ далиллар асосида танишдик. Ўзбекистонда инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот ва тавсиялар билан танишганимиз жуда фойдали бўлди.

2009 йили ялапи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани Ўзбекистонда юртилаётган изчил ва кенг қўламли иқтисодий ислохотлар

бераётган самараларга ёрқин мисолдир. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойилига асослангани жуда тўғри йўл экани нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилди.

Абдулла АЛ-БАРРАК, «Ал-Жазира» газетаси муҳаррири (Саудия Арабистони):

– Юртингизга биринчи бор келишим. Ташрифим давомида бир олам таассуротларга эга бўлдим. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан имкон қадар тезроқ чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш мақсадида кўлаб давлатлар томонидан чора-тадбирлар қабул қилинган. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва изчилик билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури эса ўзининг мукамаллиги ва юксак самарадорлиги билан ажралиб турибди.

Ўзбекистонда хорижлик ишбилармонларнинг муваффақиятли иш юритиши учун яратилган кулай шароит чет эллик сармоядорлар учун улкан имкониятлар эшигини очаетир. Шу боис мамлакатингиз иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажми йил сайин ошиб бормоқда.

Инго БЕЕЦЦ, Берлин-Бранденбург иқтисодий консуллар уюшмаси раиси (Германия):

– Ўзбекистонда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича барча шарт-шароит, имконият ва имтиёзлар яратилган хорижада кенг эътироф этилган. Бунинг тасдиғини юртингизнинг ташқи дунё билан ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар билан ҳамкорликда иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантириш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилаётганини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистонга иккинчи бор келишим. Тошкент ва Самарқанднинг гўзал табияти, сўлим гушалари, замонавий ва қадимий-миллий услубни ўзида мужассам этган кўркам ишоотлари, айниқса, халқингизнинг бой маданияти – урф-одатлари, қадрият ва анъаналари мени ўзига мафтун этган. Шаҳарлар инфратузилмасини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига таҳсинлар айтса арзийди.

Аллоҳёр МУРОДОВ, Иқтисодиёт институтининг директорининг ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди (Озарбойжон):

– Жаҳонда кўлаб йирик компания ва банклар таназзулга учраётган, иш ўринлари қисқартирилаётган бир вақтда юртингиздаги иқтисодий юксалиш мени ҳайратга солди. Аҳоли бандлиги тобора ошиб, оилак маошлари, пенсия ва нафақалар миқдори кўтарилаётганининг гувоҳи бўлдим.

Мамакатингизда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётингизда изчилик билан амалга оширилаётган ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ютуқлар, эътирофга лойиқ. Буларнинг барчаси хорижлик сармоядорларнинг юртингиз билан ҳамкорлик қилишга қизиқшини тобора оширмоқда.

Шу боис, анжуманда халқаро ташкилотлар ва йирик молия институтлари, хорижий ишбилармон доиралар вакиллари, олимлар томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга, мамлакатингизда глобал иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини олдини олиш мақсадида қабул қилинган ва фаровонликни оширишда муҳим омил бўлаётган чора-тадбирлар дастурига юксак баҳо берилди.

Ўза мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Мадина УМАРОВА ёзиб олди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш — давр талаби

< [1]

Маҳаллаларнинг ваколатларини кенгайтириш, қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш керак. Буни қай йўсинда амалга ошириш лозим? Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида 12 нафар депутат шу каби масалалар устида иш олиб боришмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз сайловотида дастурида фуқаролар йиғинларини ривожлантириш ва бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир тақлифлари билан чиқишган эди. Эндиликда ана шу тақлифларни батафсил кўриб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш олдимизда турган энг муҳим масалалардан биридир.

Бевосита маҳалланинг қонунчилик асосларига таҳлилий ёндашадиган бўлсак, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 20 дан ортиқ моддаси фуқаролар йиғинларига жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини беради. Бу жамоатчилик назоратини ўрнатилган ҳолда тўлиқ кафолатлаб қўйилган, дегани эмас. Яъни бу борадаги тақлифларни умумлаштириб, «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги янги қонун ишлаб чиқиш давр талабидир.

Шунингдек, тегишли қонунларда ўзини ўзи бошқариш органларининг мулкка эгаллик қилиши ва уни тасарруф этиши, эркин иқтисодий фаолият юритишига доир нормалар белгиламоғи зарур. Тажрибга назар ташлайдиган бўлсак, маҳалла ўз ҳудудидagi кам таъминланган, эҳтиёжман оилаларни моддий жиҳатдан тўлиқ қўллаб-қувватлашга эришиши учун, аввало, иқтисодий имкониятлари етарли бўлиши керак. Шундай бўлган тақдирда маҳалла ўз ҳудудидagi аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазифасини тўла-тўқис амалга оширади. Шунинг эътиборига олган ҳолда, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш вақти етди, деб ўйлайман.



Мухаббат ТҶУХТАЕВА, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзоси:

– Фуқаролик жамиятининг энг таъсирчан институти бўлиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мақомини ошириш, ролин кучайтириш ва моддий техника базасини мустаҳкамлашни замон талаб қилмоқда. Бизнинг партиямиз, чекка қишлоқ ва маҳаллалар аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида оилавий ва кичик бизнесни, тадбиркорликни ривожлантириш зарур, деб ҳисоблайди.

Юрбoшимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг кўшма мажлисида кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб, мамлакатимиз аҳолисини аниқ йўналтирилган асосда қўллаб-қувватлашни, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларимизни фаол давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз зарур эканини таъкидлаш ўтди.

«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини босқичма-босқич амалга ошириш фуқаролик жамияти институтларини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро алоқалар тизимини мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш им-

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

конини беради. Маҳалла шахс, давлат ва жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, гуманитар муаммоларини самарали ҳал этишга қодир институт эканини ҳисобга олсак, унинг ҳуқуқий мақоми ва моддий асосларини мустаҳкамлаш лозим.



Хайрулла РЎЗМЕТОВ, Ўзбекистон Хаёқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзоси:

– Ўзбекистон ХАДПнинг сайловотида дастурида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини амалга оширишдаги ва қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини шаҳар даражасига кўтаришдаги масъулиятини ошириш белгилаб олинган.

Шунингдек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга ва шунга оид бошқа қатор ҳуқуқий-меъриий ҳужжатларга зарур ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш лозимлиги кўзда тутилган. Хусусан, қонунда маҳаллалар қонун талабларини бажариш юзасидан мониторинг ишларини олиб бориши белгиланган. Масалан, тўй ва маросимларни, тантанали тадбирларни ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган тавсияларни, ўсмирлар ва вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноatchилик содир этилишининг олдини олиш мақсадида олиб борилаётган профилактика ишларини, давлат бюджетидан икки ёшгача бўлган болалар учун ажратиладиган нафақани белгилаш тартибда тайинлаш ва тўлашда маҳаллалар қонунчиликка риоя этаётганини ўрганиб чиқиш лозим. Шу билан бирга, давлат бюджетдан ажратилаётган маблағлар ҳисобидан ёрдамга муҳтож ёлғиз қарияларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фуқароларни иш билан таъминлаш, касаначиликни ташкил этиш борасидаги фаолиятни, яъни фуқаролар йиғинлари томонидан бу йўналишда айнан қандай ишлар амалга оширилаётганини таҳлил қилиб, янада такомиллаштириш чораларини кўриш вақти келди, деб ўйлайман.

Партияимиз ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонунларнинг бир маромда ва аниқ бажарилиши учун процессуал нормаларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш масаласини ҳам муҳокамага қўймоқчи.



Камола ҲАМИДОВА, «Адолат» социал демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзоси:

– «Адолат» социал демократик партияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган демократик, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш учун фуқаролик жамияти ва ҳар бир фуқаронинг ҳокимияти амалга ошириш ваколатини кучайтириш ваколатини кучайтириш тарафдори.

ролар йиғинларининг жамоатчилик назоратини амалга ошириш ваколатини кучайтириш тарафдори.

Биз учун хотин-қизларни давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг барча жабҳаларига жалб этиш, чуқур билим ва касб маҳоратига эга аёллар учун янада кенг имкониятлар яратиш ниҳоятда муҳимдир. Бу, ўз навбатида, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, юртимизда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаси давлат, ҳокимият, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари — жамоат бirlашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқалар саъй-ҳаракатини бirlаштиришни талаб қилади. Ўз навбатида, ушбу ҳамкорлик фуқаролик жамиятини ривожлантиришга, мамлакатимиз келажаги, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилгани боис, асосий таркибий қисми маҳалла ҳисобланган — ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни, унинг ваколатларини кенгайтиришни талаб этади. Zero, маҳалла — кучли фуқаролик жамияти сари элтувчи энг асосий йўлардан биридир.

Фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий фаолиятини оширишда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини инобатга олиб, оқсоқол ва унинг маслаҳатчилари этиб энг муносиб номзодлар сайланишига имкон берадиган сайлов қонунини янада такомиллаштириш ҳам давр талабидир.



Отабек АБДУГАНИЕВ, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик гурӯҳи аъзоси:

– Мамакатини барқарор ривожлантириш, аҳоли ҳаёти фаровонлиги ҳамда саломатлиги кўп жиҳатдан табиий экотизимни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклашга ҳам боғлиқ. Бунинг учун, табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган экология соҳасидаги ягона давлат сиёсатини босқичма-босқич амалга ошириш даркор.

Экологик қонунчиликнинг мақсади шакллантирилиши ва такомиллашуви билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига доир мавжуд қонунларга қандай амал қилинишини мониторинг қилиш, жамоатчилик фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб, мавжуд қонунларга ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш, зарур ҳолларда янги таҳрирдаги қонунларни ишлаб чиқиш мумкин.

Ўзбекистон экологик ҳаракати дастуридаги асосий вазифалардан бири мамлакатимиздаги фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг барқарор ривожланиши учун уларнинг яхлитлигини ва ҳаётий зарурият функцияларини сақлаб туришда ҳар томонлама қўмаллаштириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш, унинг фаровонлигини ошириш ҳамда маҳалла аҳлининг экологик хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади.

Атроф, табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва инсон саломатлигини сақлаш борасида фуқаролар йиғинларининг ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтириш, экологик вазиятни соғломлаштиришда жамоатчилик иштироки ҳамда уларнинг фаоллигини, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф-муҳит муҳофа-

заси давайт, жамият ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси эканини ёшлар онгига сингдириш, маҳаллалар ҳудудда жойлашган ўқув муассасалари ҳамда ёшлар ташкилотлари ҳамкорлигида табиатни асрашга қаратилган тадбирлар ўтказишни фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бирига айлантириш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Арслон ЭШМУРОДОВ, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

– Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси бошқа партиялардан фарқли ўлароқ, фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган маҳаллага минг йиллик қадриятларимиздан бири сифатида қарайди. Халқимизнинг ўзига хос бўлган миллий қиёфаси аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш, бир-бирига меҳрур оқибат қўрсатиш айнан маҳаллада шаклланади ва бундай миллий қадриятларимизни сақлаш, ёш авлод онгига сингдириш, тарғиб қилиш партияимиз дастурий вазифалари сирасига кирди. Демак, ҳар бир фуқаро билан ҳамназа бўлиш ва улар билан бевосита иш олиб боришда маҳалланинг ўрни беқийс. Глобаллашув жараёни шиддат билан кечаятган, тобора авж олаётган бугунги ҳаётнинг ўзи биз фахрланидиган миллий анъана ва қадриятларимизни сақлаб қолишда маҳалланинг ролин янада оширишни тақозо қилмоқда.

Ўрни келганда айтиш лозимки, партияимизнинг сайловотида платформасида «Жиноят судлов ишларини юритишда маънавий-миллий анъаналарга мос келадиган яраштириш институти янада ривожлантиришга қўмақлаш» ёки «Фуқаролик ҳуқуқий низоларни суддан ташқари тартибда ҳал этиш, айниқса, жамиятнинг асосий аҳолий пойдеворларидан бири бўлган маҳалла институти ривожлантириш ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш» каби масалалар алоҳида қайд этилган.

Қўмита раиси Акмал САЙДОВ: — Хулоса қилиб айтиш мумкинки, барча сиёсий партияларнинг дастурий роляси муҳтарам Президентимизнинг шу йилнинг 27 январь кунини бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг кўшма мажлисида сўзлаган маърузаларидаги маҳалла институтини замонавий босқичда ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишга қаратилган бўлиб, улар қўйиладиганлардир:

- **биринчидан**, маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизмлари ва ваколатларини кенгайтириш;
- **иккинчидан**, маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш;
- **учинчидан**, бошқарув органлари фаолияти устида жамоатчилик назоратини ўрнатилган маҳалланинг вазифаларини кенгайтириш бориш;
- **тўртинчидан**, жойларда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг ҳабардор қилиш мақсадида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлаш;
- **бешинчидан**, мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти қуришда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб энг муносиб номзодлар сайланиши таъминлайдиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш.

Айни пайтда қўмитамиз аъзолари ушбу масалалар ижросини таъминлаш, ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўрмоқда. Ўйлайманки, белгилашган вазифалар ижроси тўлиқ амалга оширилса, бу мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида янги босқични бошлаб беради.

Давра суҳбатда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Зиёвуддин Мансуров, Аҳам Шодмонов, «Маҳалла» жамағармаси республика бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ҳасанов Ҳасанов, Ялалов, жамағарма масъулан 120 та даракхта, шу жўр-мулоҳазароб чинорига ҳам «Давлат табиат ити» мақоми берилган.

ТОМОРҚА — ХОНАДОН ХАЗИНАСИ

Оилавий бизнесни ривожлантириш даромадни кўпайтириб, турмуш фаровонлигини таъминлайди



савдо МЧЖ ҳар бир деҳқон хўжалиги ва шахсий томорқа эгалари билан шартнома имзолаган.

— 20 сотих томорқанинг ўзидан 10 миллион сўм соф даромад олдм, — дейди Улуғбек Жуманазаров.

— Гапнинг индалосини айтадиган бўлсам, ҳар бир оиланинг даромади яхши, — дея сўхбатини давом эттиради қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Расул Тураев.

— Шундай бўлгач, қишлоқда бекорчи қоладими? Қарию ёш шу иш билан шуғулланади, турмушимиз шундан фаровон бўлиб бормоқда.

Айни пайтда Утамайл хамда Чияли қишлоқларидаги 550 та деҳқон хўжалиги хамда аҳоли хонадонларида полиз ва सबзавот маҳсулотлари етиштириляпти.

Яна бир гапни таъкидлаб ўтмасак бўлмайди. Бу қишлоқларда фермерман дегани пахта ва гала етиштириш билан чекланиб қолгани йўқ.

— Бу биз учун жуда қулай, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Гафрат Жумаев.

Хулас, Чирокчидаги Утамайл қишлоғи оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланган, десак муболағ қилмаймиз.

Санобар БОЙМУРОДОВА, "Mahalla" мухбири.

< 1

— Асли олий маълумотли технологман. Ҳақиқатан ҳам келган кезларимиз бирданги иш тополмадим. Шунда бекорчиликдан шёнқа остига тарвуз кўчати эҳдим, — дейди Улуғбек Жуманазаров.

...ҳар бир оиланинг даромади яхши. Шундай бўлгач, қишлоқда бекорчи қоладими? Қарию ёш шу иш билан шуғулланади, турмушимиз шундан фаровон бўлиб бормоқда.

тул алоҳида озиклантирилади. Улуғбек Жуманазаров таъкидлаганидек, бошида кўчат сотиб олиб келинган бўлса, бутун махсус идилларда кўчатлар ҳам етиштириляпти.

— Тарвузнинг голланд навидан фойдаланялмиз. Бу уруғ эрта пишарилиги, ҳосилдорлиги хамда касалликка чидамлилиги билан ажирлиб туради.

— Экинларни суғориш халқимизнинг қадим усулида ер қудуқлари орқали амалга оширилади.

Бутун туман бўйлаб кенг ейилган. Ҳар бир хонадон озорқасидан унумли фойдаланган ҳолда, полиз маҳсулоти етиштирмоқда.

ИШ БИЛГАНГА БАЛЛИ

Барқарор ривожланиш омили

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўлаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида Сурхондарё вилоятида ҳам аёлларнинг оила ва жамиятдаги маъқени янада мустаҳкамлаш, уларга ўз салоҳияти ва лаёқатини намойн этиши учун етарлича шарт-шароит яратиб берилмоқда.

асосида маҳалладаги хотин-қизларга хунарманчиликнинг ноёб сирларидан сабоқ бериб келмоқда.

Бугун маҳаллаида хусусий тадбиркорлик ва касаначилик билан шуғулланувчи аёллар сонни кўпчилигини ташкил этади.

Айни пайтда тадбиркор кўмагида хунар ўрганаётган ёшлар ҳам ўз хусусий корхоналарини очиб ниятдалар.

қобатни юзага келтиради. Алия Имомбердиева айтганидек, соғлом рақобат янада кўпроқ изланишга, гиламдўзликнинг янги-янги қирраларини кашф этишга ундайди.

Ойбек ЮСУПОВ.

ИСТИКЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

Меҳрингни жо этганинг элни шод этса...

Б у дунёда куй-қўшиқни севмайдиган, ундан роҳатланмайдиган инсон топилмас керак.

Болагимдан созлар сеҳрига, айниқса, чанқовуз, дотор, кўбиз каби чолғу асбобларига меҳр кўйиб вояга етганман.

Нукус санъат коллежининг «Халқ чолғулари» бўлимида ўқиб юрган кезларимдаёқ устозлар кўмагида бир неча миллий чолғу асбобларини яратдим.

Бутунги кунда ўнлаб шогирдарим бор. Улар билан биргаликда юзлаб миллий чолғу асбобларини яратдик.



ларда намойиш этилди. Унинг ортидан эл-юрт ҳурматиға, кенг жамоатчилик эҳтиромига сазовор бўдим.

Даҳадорманки, аждодлардан мерос миллий санъат дурдоналари бўлган чолғу асбобларини яратиш устида кечоа кундуз ижод қиламан.

Яқинда юртимизнинг барча гўшларига бўлгани каби бизнинг Кегайли кенгликларига ҳам Наврўз шодиёналари кенг нишонланди.

Азатбай ОТАРБАЕВ, «Ташаббус-2010» кўрик-танловини совридор.

ЁШЛАР ОИТСГА ҚАРШИ

Соғлом ва баркамол авлод — миллат таянчи

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг вилоят бўлими бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида фуқаролар йиғинларининг инфратузилмасини ривожлантириш, мақомини ошириш борасида туркум тадбирлар ва семинар-тренинглр ташкил этади.

Айни пайтда вилоятимизда 42 та қишлоқ, 278 та маҳалла, 3 та шаҳарча ва 16 та овул фуқаролар йиғини фаолият юрймоқда.

Ийғинларда ОИТС касаллигининг зарари ҳолатларини ақс эттирувчи кўргазмалар плакатлар, буклетлар тайёрланган.

хотин-қизлар ўртасида тиббий-ижтимоий патронаж ишлари ташкил этиляпти.

Гиеҳвандликка қарши курашининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш ҳамда тарбияси оғир, гиеҳвандликка мойил ўқувчи-ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни олиб боришга ота-оналар, ўқувчи ва мураббийлар, маҳалла фаолаари, ички ишлар ходимлари жалб қилинди.

Жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви томонидан шаҳар, туман маҳаллааридаги аҳоли ўртасида гиеҳвандлик ва ичкиликбозликнинг олдини олиш ҳамда бунга қарши курашиш бўйича 2010 йил 8 январда чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, жамғарманнинг шаҳар ва туман бўлинмаларига ижро учун юборилди.

Жамғарманнинг вилоят бўлими бошқаруви томонидан шаҳар, туман маҳаллааридаги аҳоли ўртасида гиеҳвандликнинг олдини олишга қаратилган "Гиеҳвандлик — умр заволи", "Гиеҳвандлик — аср вабоси", "Биз соғлом турмуш тарафдоримиз", "Гиеҳвандликка қарши

кураш ва унинг олдини олиш", "Агар дўстинг гиеҳванд бўлса..." ҳамда "Гиеҳвандлик қулига айланма" мавзуларида қарши суҳбатлари ўтказилди.

Ўтказилган ўқув семинарларида гиеҳвандлик ҳамда ичкиликбозликнинг олдини олиш, маънавий-маърифий тадбирларни кучайтириш, жисмоний нуқсонли бўлган ёшларни ижтимоий кўлаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида спорт мусобақалари, кўрик-танловлар ўтказиш ҳамда маҳаллаарида "Устоз—шогирд" йўналишини бўйича меҳнат тўғрисидаги тадбирлар ташкил этиб, уларга кам таъминланган оила фарзандларини кенгроқ жалб қилиш бўйича йиғин раисларига тушунчалар берилди.

Миллий қадриятлар, урф-одат, анъаналарни омаллаштириш, аҳолининг билим ва кўникмаларини бойитиш, маҳаллаарида тадбиркорликни, кичик ҳамда ўрта бизнесни ривожлантиришни кўлаб-қувватлаш борасида қилинган ижобий ишларни тартиб этиш мақсадида туркум кўрик-танловлар уюштирилиб келинмоқда.

Жаали НОРОВ, "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Навоий вилояти бўлими бошқаруви раиси.

МАҲАЛЛА МАРКАЗИ

Гузар қайта чирой очди

Ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида барча қишлоқ, шаҳарча маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, айниқса, маҳалла гузарини бунёд этиш, борларини замонавий шаклда янгидан тазмирлаш ишларига жиддий эътибор қаратилади.

аҳолиси йиғин идорасини фуқаролар мушқулини осон қиладиган, муаммоларига ечим топадиган, оғирини енгил қиладиган маскан, дея эътироф этишди.

Хусусан, Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги "Сафеди" маҳалласи қайтадан таъмирланди.

қайтадан таъмирланди. "Маҳалла" жамғармасининг вилоят бўлими томонидан мебель жиҳозлари олиб берилди.

Маҳалла фаолаарининг таъкидлашича, келгусида марказ қошида ёшларни касб-хунарға ўргатадиган, спорт билан шуғулланишга мўлжалланган турли тўғрақларни ташкил этиш режаластирилган.



Раҳим ШЕРҚУЛОВ.

МАҲАЛЛАМИЗ ЁШЛАРИ

Эртаминдан кўнглимиз тўқ

Беш ёшли неварам «Катта бўлсам, Хотам акага ўхшаган фермер бўламан», деб қолди. — Нера? — деб сўрадим қизиқиб.

— Сизга, момомга қарайман. Касал бўлсангиз, дорилар олиб бераман. Машинага миндириб, катта докторларга кўрсатаман. Кейин Насибаларга ҳам ёрдам бераман. Унинг аяси янги уй қуришга кўрбимиз етмайди, деб ҳар доим айтади. Фермер бўлсам, пулим кўп бўлади, бува, — дейди.

Муррак гўдакнинг қалбида уйғонган ҳис-туйғулардан кўнглим кўтарилади. Демак, меҳнатларимиз зое кетмапти. Фарзандларимиз қадр-қимматни, меҳр-оқибатини ҳис этиб ўлғайишгапти. Неварам айтган Хотамжонга келсак, у исми жисмига манад йиғит. Ёш бўлса-да, ишбилармон, меҳнатсевар. «Холер хожи» фермер хўжалигини бошқаради. 20-30 кишини иш билан таъминлади. Ҳар йили шартнома режасини ортиги билан бажаради. Ўзим бўлай, дейдиганлардан эмас. Топганини эл билан баҳам кўрсам, дейди. Қишлоққа кўп фойдаси тегаетир. Тўй-маърака дейсизми, тадбир дейсизми, ҳаммасида фаол қатнашади. Даромади камроқ оила борми, ёлғиз қариями — моддий жиҳатдан ёрдам бериб, ҳол сўраб юради.

Ана шундай ташаббускор ёшларимиз орасида интилувчан, эл-юрт тараққибига ҳиссамни қўшаман, деганларнинг кўплиги бизни қувонтиради.

нада қабристон оёда бўлиб қолди. Ана шу уч ёш тадбиркоримизнинг ҳиммати билан 75 ёшли Тожи момо Отабоевага қорамол олиб бердик. Момо бутун дуо қилиб чарчамайди. Кексаларнинг дуоси қўлмайди, деб бежиз айтишмайди-да. Хотамжон Жумаев, Одибек Бозоров, Асрорбек Йўлдошев бошқарётган фермер хўжаликларидан ҳар йили давлат режалари ортиги билан бажарилади. Пахта, ғалла мўл бўлади. Даромадларидан ҳар йили кўчаларни асфальт қилишми, ичимлик суви қувурлари тортиб боришми ёки мактаб, бошча учуми — алоҳида маблағ ажратилади. Қишлоқ ичнда озиқ-овқат дўконлари қуришиб, фойдаланишга топширилади. Бу дўконлар бутун бир томондан қишлоққа кўрқ баянлаётган бўлса, иккинчи томондан аҳолига катта қулайлик туғдирмақда. Кам-кўстис рўзгор бўлмайди, албатта. Энди қишлоғимизда ҳам кўп болали оилалар, боқувчисини йўқотган қариялар, ногиронлар бор. Баъзан Жасурбекни ёки Асрорбекни чақириб, ёрдам қила оласизларми, деб сўрайман. Ҳеч йўқ дейишмайди, азаматлар. Бирга хонадонларга кириб чиқамиз, озиқ-овқат маҳсулотлари, имкон қадар пул

маблағлари тарқатамиз. Қишлоғимизда боқувчисини йўқотган бир хонадон бор эди. Мухтарамхон 3 фарзанди билан бироз қийналиб қолганини кўриб, «Мўлзар Рушна» фермер хўжалигининг иш юритувчиси Одибек Бозоровнинг ёнига бориб, секин аҳволини тушунтирдим. «Майли, шу оилани оталиққа оламан», деди. Одибек оғринмай чин кўнглидан бу оилга ёрдам кўрсатапти. «3 фарзандим тўртга бўлди», деб Мухтарамхон хурсанд.

Ёшларимиз қишлоқдошларининг овирини енгил, мушкулени осон қилиб, не-не кўнглиларни чаргон этишяпти. Айтaversам, фахрлини айтдиган жиҳатлар кўп. Баки бу аризмасдек бўлиб туюлар. Аммо уларни бир-бир санаб ўтмасам кўнглим жойига тушмайди. Кимнингдир томорқасини ағдариб, текислаб бериш ёки ҳовлисини тартибга келтириш дейсизми, дастери йўқ хонадонга даладан ўтин териб келишми, кимнингдир томини сувашиб, бундай ишларга ҳар кўнги гувоҳ бўламиз. Бунинг қишлоғимиздаги ўсмирлар ҳеч оғринмай амалга оширишади.

«Кўчин қишлоқ хўжалик коллежи ўқувчилари буёдан 2 йил олдин ташаббус билан чиқишган эди: коллеж ташқарисидан каровис ерни ёшлар билан айлантирарми, деб. Ўз қучлари билан ерни текислашди,

ҳар бири биттадан кўчат ўтқазиди, меҳр билан парваришлаб ўстириди. Бутун боғни кўриб ҳавас қиласиз. Қўм-қўқ бўлиб яшнаб турган дарахтзор кўзни қувонтиради. Ёшлар шундай бир анъанани ҳам йўлга қўйишган: битгирвчи талабалар эсдалик учун боққа кўчат экиб, қолдириши шарт. Янги ўтқазилган бу ниҳолларни кейинги битгирвчилар парваришлашади. Ана шундай ташаббускор ёшларимиз орасида интилувчан, эл-юрт тараққибига ҳиссамни қўшаман, деганларнинг кўплиги бизни қувонтиради. Юлдузхон Холмиева деган қизимиз информатика йўналиши бўйича илмий иш қилиб, грант асосида Хитой, Австралия давлатларига бориб, тажриба ўрганиб келди. Худди шундай Уласбек Мейлиев Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтини тугатиб, ўзимизнинг Қовчин қишлоқ хўжалик касб-хўнаар коллежидега ўқитувчилик қилиш билан биралиқда қишлоқ хўжалиги бўйича илмий иш ҳам олиб борапти. Грант асосида Австралия давлатига бориб малака ошириб келди.

Хулмас, маҳалламиз ёшларининг ғайратли шижоати, тувлиб ўстган мақола-рига меҳру муҳаббатларидан гурурга тўлиб, эртанги кунимиздан кўнглимиз ёришади.

Бахтиёр ҲАСАНОВ,
Қарши туманидаги Қовчин қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ
Эҳтиёжмандлар доимо эътиборда

Ўтган йили Жиззах вилоятининг Ғалаорол туманида учта касб-хўнаар коллежи, битта академик лицей, тўртта умумтаълим мактаби қурилиб, янгидан 2700 ўқувчига мўлжалланган таълим масканлари, битта қишлоқ врачлик пункти, иккита амбулатория ишта тушириди. Ғалаорол шаҳридаги спорт мажмуаси қайта реконструкция қилинган, вилоятдаги энг йирик ўйингоҳлардан бирига айланди. Айни чоғда Хотира мажмуаси капитал таъмирлини, замонавий талабларга мослаштирилди.

Бу йил туманда 200 гектарли буёз ер ўзлаштирилиб, янгидан боғ барпо этилди. Теракзор ва тугзорлар кенгайтирилди, шу кунларда парваришлаш ишлари авжида. Тажриба тариқасида Ғалаорол шаҳри маҳаллаларида икки минг тул ялон сафораси экилганди. Бутунги кунда улар амал олиб, бўй чўзаётир.

Ғалаоролликлар эл манфаати йўлида жонини фидо қилган, Иккинчи жаҳон урушида қон кешиб, жасорат кўрсатган ватандошлари руҳини шод этишни ўзлаштириб инсоний бурчлари, деб билишадилар. Бутун ҳам ёшлар тарбияси билан машғул бўлган собиқ жангчиларнинг сафимизда борлиги қувонарли ҳождир. Биз ҳар доим уларнинг кўнглини кўтариб, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб тураемиз. Ўтган йили уруш қатнашчиларидан 23 нафарининг уй-жойи таъмирлаб берилди. 21 нафар уруш ногиронига моддий ёрдам кўрсатилди.

Айни чоғда туманда 85 нафар ижтимоий ҳимоятга муҳтож ногирон, 21 нафар ётиб қолган қария, 113 нафар кам таъминланган, кўп болали оила бор. Улар «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи ва ҳимий ташкилотлар томонидан мухтама ижтимоий муҳофаза қилиб келинади. Наврўз айёми арафаси ҳамда байрам кунлари уларга 5 миллион 347 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилади. Жами харажатнинг 2 миллион 110 минг сўми жамғарманинг туман бўлими, қолганлари ҳимийлар томонидан амалга оширилади.

Айни пайтда туманда 137 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Улардан 41100 нафари ҳалқ хўжалиги тармоқларида меҳнат қилмоқда. Аҳолининг баъдиқ дара-

жасини ошириш мақсадида, қишлоғу маҳаллаларда ишлаб чиқаришни изчиб йўлга қўйиш, корхоналар ва турли цехлар очиб орқали фуқароларни иш билан таъминлаш чора-тадбирлари қўрилади. Худудда фаолият кўрсатаётган 2511 та кичик корхона ва фирмалар томонидан ўтган йилда қарийб 11 миллион сўмлик саноят маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 13,5 миллион сўмдан ошириш мўлжалланмоқда. Бу иш амалга ошса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг 99,1 фоизи нодавлат секторига тўри келади. Ҳалқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган йилга қараганда анча юқори бўлиши кутулаётир.

Айтиш жоизки, тумандаги 22688 хонадоннинг даярли барчаси табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланган. Эътиборлиси, аҳолининг коммунал тўловлари бўйича жорий қилинган чегирмалар мурувватлаб, кам таъминланган оилалар учун ёрдам бўлаётир. Шунингдек, жорий йилнинг биринчи чорагида бўлинимамиз ҳисобидан табиий офат тугфайли зарар кўрган оилаларга, оғир дардга чалинган беморларга 1 миллион сўмдан ортиқ, ҳомийлар томонидан эса 7 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Ўтган йили жамғарма ва ҳимий ташкилотлар томонидан аҳолининг эҳтиёжман қатламларига, кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 12 нафарига бир бошдан қорамол ҳади қилинди. Наврўз байрами арафасида бу оилалардан яна бештаси жамғарма ҳисобидан қорамоли бўлишди.

«Маҳалла» жамғармаси туман бўлими мутасаддилари ижтимоий ҳимоятга муҳтож оила аъзолари, умуман, мурувватлаб инсонларга ғамхўрлик кўрсатишни янада яхшилади. Шу йўл билан давлатимиз раҳбарининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаёмиз. Зеро, мурувватлаб оламанларнинг кўнглини кўтариш хайри ва савоб амалдир.

Бахтиёр АНОРБОВЕВ,
«Маҳалла» жамғармаси Ғалаорол тумани бўлими бошқаруви раиси.

ФАОЛИЯТ

Хўнаармандлар юртни безайди



Бутун ўзининг ҳалоат меҳнати, маҳорати билан эл назарига тушиб, хўнаармандчилигини мураккаб — тунукасослик тури билан шуғулланиб келаётган қаҳрамонимиз Наманган вилояти Чуст тумани «Гулистон» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. У ясаган турли шаклдаги иситиш мосламалари, чела, тогора, тарнов каби ўнлаб рўзгор буюмлари маҳалладошларга манзур. Маҳалла аҳли билан сўхбатлашсангиз ёки хонадонларга кирсангиз у ясаган турли уй-рўзгор анжомларининг сифатини алоҳида таъкидлашади.

Ҳам тунукасослик билан шуғулланиб келишганиданми, бу хўнаари отамдан тез-да ўрганиб олдим. Ҳозир мен хўнаармандларнинг еттинчи авлодиман. Муҳими, бу иш билан шуғулланиш менга ёқди. Фарзандларим ҳам шу хўнаари ўрганишга иштиёқманд, — дейди уста Ҳажимжон Аҳмедов.

Бу инсон айни пайтда тунукасослик билан бирга, мистарликни ҳам пухта ўзлаштирган. У маҳалладаги 10 нафарга яқин ўсмирга «Устоз — шоғирд» анъанаси асосида тунукасослик ва мистарлик сир-асрорларини ўргатиб келаётир. Хўнаарманд Х. Аҳмедов тураржойи биноларининг ташқи кўринишига ўзгача қиёфа, жило бахш этадиган нақшли айвон пештоқларини ҳам ясади. Ҳозир у ясаётган ҳаридорги ускуналарнинг бозори чаққон. Негаки, эндиликда у буюртмалар қабул қилиб, маҳсулотларини барча вилоят, қишлоқ, маҳалла-ларга тарқатмоқда.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ,
«Mahalla» мухбири.

ТАДБИРКОРЛАР КўМАГИ

Юракда уйғонган эзгулик

У ргудда номи юртга маълуму машҳур қишлоқлар анчагина. Шулардан бири «Испанза» деб номланади. Бутун шу ном билан аталувчи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳам бор. Йиғин котиби Шавкат Қиёмов билан сўхбатлашиб, мақсади-мизни баён этдик. Қишлоғига қайишаётган, ҳамқишлоқларининг қувончу ташвишларига бирдай шерик бўлаётган тадбиркорлар, айниқса, «Тошарик» маҳалласида бисёр эканлигини айтди. «Ҳиммати баланд ҳомийлардан бири «Нурали-Шерали-Азимут» масъулияти чекланган жамият тасисчиси Улаш укамиз бўлади», деди унинг номини алоҳида тилга олиб.

Оқсоқол Худойберди бобо Раҳимов ҳамроҳлигида «Тошарик» маҳалла ҳудудини кезар эканмиз, аввало, бу ерданги ободончилик ишлари эътиборимизни тортиди.

Атроф тоза, озода. Уйлар олдидаги турли манзарали дарахтлар ва гуллар кишида завқ уйғотади. Маҳаллада аҳоли анча зич жойлашган, 450 хонадонда 1251 оила истиқомат қилади. Дарвоқе, айни пайтда Ургут тумани аҳолиси сони 410 мингга яқин. Улар меҳнатқаш, тадбиркор. Шу боис, аҳоли турмуши фаровон.

— Гузаримизда бир-бирини қўлаб-қувватлаш, киндик қони тўкилган жойини оёда қилишга интилиш қадимдан давом этиб келмоқда. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган бу каби анъананинг давомчилари ҳозир ҳам анчагина, — дейди сўхбатдошимиз, маҳалла оқсоқоли Худойберди бобо Раҳимов. — Хусусан, Хайрулла бобо Эргашев умрини эзгу ишларга бағишлаб келаётган инсонлардан. У киши йиғинимиз ҳудудини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида эликдан

ортиқ қудуқлар қаздириб, насослар ўрна-тилишига, экинзорлар учун уч кўтарма-ли сув иншоотлари қурилишига бош-қош бўлди. Қишлоқдаги 7-умумтаълим мактабин капитал таъмирлашда, янги бина-лар ҳамда коллеж қурилишида тиним билмади. Айни кунларда Акрамобод газ тақсимлаш станциясидан Тошарикқа бўлган 7,5 километрли масофага янги газ қувурлари ётқизиш ташвиши билан банд. Улаш Абдураҳмонов эса бобонинг ёнида туриб, қандай муаммо туғилса ҳал этишга ёрдам бермоқда.

«Ўн қўшчиға — бир бошчи», деган гап бор. Аҳоли ўз муаммоларини ўзи ҳал қилишни хоҳлаши мумкин. Лекин уларнинг бошини қовуштириб, ниятини амалга ошириш учун кимдир етакчи бўлиши керак. Масъулиятни зиммасига олган кишида эса ташаббус, шахсий ибрат, кўпчи-

лики ортиндан эргаштириш қобилияти бўлиши лозим. Тадбиркор Улаш Абдураҳмоновда шу фазилатлар бор.

Аввало, унинг ўзи саховатпеша инсон. Жумладан, ўз ҳисобидан «Охун ота» қабристонига ҳамдан бир чақирим масофага асфальт ётқизиш, бир кўчадаги хонадонларни ичимлик суви билан таъминлаш, масжид қурилиши, музей ташкил этилишида усталар, ишчилар, хашарчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш дейсизми, барчасида фаол қатнашди. Унинг саяё-ҳаракати билан худуд аҳли яқинда яна бир қулайликка эга бўлди. «Испанза»да МТС ули алоқа тизимини йўқ эди. Бу ерда тармоқнинг замонавий антеннаси ўрнатилиб, муаммо ҳал этилди. Кўпчиликнинг қорига яраб келаётган, эл ишончини қозонган кишига қишлоқ аҳли қулоқ солади, ортидан эргашади, албатта.

— Улаш укам мактабининг учинчи синфиде ўқийдиган боламга дарслик китоблари совға қилди. Боқувчисиз ёлғиз аёл учун бу катта мадд. Ўзимнинг ёлғиз эмаслигимни ҳис этиб кўнглим тоғдек кўтарилади. Илоҳим, қишлоғимизда, юртимизда саховатпеша, хамматли кишилар кўпайсин, — дейди онахонлардан бири, ўзинга ўхшаш болалари дарслик китобларидан баҳраманда бўлган 150 оила ота-оналари номидан миннатдорчилик билдираркан.

Бундай илиқ фикрларни яна кўплаб кишилардан эшитдик. Улар ўз номларини ёзишнингиз ҳам сўрашди. Бирок Улаш бунинг истамади. Бугина эмас, у қилаётган ишлари ҳақида умуман гапирмади ҳам. Савоб ишини айтиш миннатга ўхшаб кетади, дейди у.

Юртбошимиз доимо меҳнатқаш халқимизни эзгу ишларга бошлаб, савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши зарурлигини таъкидлаб келмоқдалар. Дарҳақиқат, ҳаёт бардавомлиги, тараққийёт, буюк келажак сари интилиш ҳам инсон юрагиде яшаб келаётган олий қадриятлар ҳосиласидир.

Бор бўл инсонийлик, ҳар юракда уйғон эзгулик!

Дилбар РАЗЗОҚОВА,
«Mahalla» мухбири.

Ўқтам ҚУРБОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

Келажакка дахлдор масала

Мамакатида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Чунинчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги қарорлари бу борда дастурийлашма бўлмоқда.



© фото-Носир Хайдаров

Соғлом бола туғилиши учун она нафақат соғлом бўлиши, балки тиббий маданияти юқори, репродуктив саломатлик ҳақида муайян маълумотга эга бўлмоғи лозим. Хотин-қизлар ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, уларни мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ишлар эса маҳаллалар иштирокида, маслаҳатчилар кўмагида амалга ошмайди.

ни, оилалардаги муҳитни яхши билишди. Тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ҳамда самарадорлигини оширишда уларнинг хизмати бе...

Бу аёллар билан ишлашда бизга маҳалла маслаҳатчилари, Хотин-қизлар комиссияси аъзолари, маҳалла фаоллари яқиндан ёрдам бериб келаятир. Чунки улар маҳалла ҳаётини, оилалардаги муҳитни яхши билишади.

Пойтахтимиздаги Юнусобод тумани марказий кўптармоқли поликлиникаси тумандаги «Чоштепа», «Умид», «Увайсий», «Бободехқон», «Ўзбекистон мустақиллиги», «Ойбек», «Нодирабегим», «Иттифок», «Ахмад Дониш», «Аҳлибод», «Янгибод», «Янгиҳаёт» каби 12 та маҳалланинг 54554 нафар аҳолига хизмат кўрсатади.

— Асосий мақсадимиз аёни соғломлаштириш, соғлом авлодни дунёга келтириш, — дейди поликлиника мудири Фарид Фарида Фарида. — Аҳолининг 20393 нафарини аёллар, шундан 14405 нафарини туғиш ёндаги аёллар ташкил этади. Бу аёллар билан ишлашда бизга маҳалла маслаҳатчилари, Хотин-қизлар комиссияси аъзолари, маҳалла фаоллари яқиндан ёрдам бериб келаятир. Чунки улар маҳалла ҳаётини, оилалардаги муҳитни яхши билишади.

кўкрак ёшидаги боласи бўла туриб, яна ҳомиладор бўлиб қолган аёллар бор. Бундай ҳолатнинг олдини олишда репродуктив саломатлик, шахсий гигиена тушуғчаларини фарзандларимизга ёшлагиданоқ синдиришимиз лозим. Биз тушунтириш ишларини дастлаб оналардан бошладик. Қиз боланинг нормал физиологик ривожланиши унинг келажак учун жуда зарурлигини яхши англаган оналар қизларини тез-тез тиббий кўриқдан ўтказмоқдалар. Қизларнинг оналарига айтолмаган гаплари, муаммолари бўлишини билиб, бундай дамба улар дўстона маслаҳатга муҳтож бўлишларини назарда тутиб, муайян чора-тадбирларни ишга соляпимиз. Ҳозир қизлар ўзларини қийнаётган ва қизиқтириётган муаммоларини мактаб шифокорига ёки поликлиникадаги ўсим қизлар шифокорига айтишмоқдалар. Айтиш пайтда, ҳудудимиздаги мактабларда шу мавзу юзасидан озиқлантириш боланинг соғлом ривожланишида юз муҳимдир. Такрор ҳомиладор бўлиб қолган аёл эса фарзандини ортқ эмизолмайди. Бу ҳол болага салбий таъсир этибгина қолмай, тўла тикланмаган организм ҳомиладор учун ҳам хавфлидир. Афсуски, олиб бораётган ишларимизга қарамай,

лозим. Аёллар исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида муассасамизга аввалгидан кўра кўпроқ мурожаат этишмоқда. Икки ёшгача кўрак сути билан озиқлантириш боланинг соғлом ривожланишида юз муҳимдир. Такрор ҳомиладор бўлиб қолган аёл эса фарзандини ортқ эмизолмайди. Бу ҳол болага салбий таъсир этибгина қолмай, тўла тикланмаган организм ҳомиладор учун ҳам хавфлидир. Афсуски, олиб бораётган ишларимизга қарамай,

руққа тайёрланмоқда, ҳомиладорликда энг кўп учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ва бартарф этиш йўллари, овқатланиш, кийиниш, очиқ ҳавонинг афзалликлари ҳақида аёлларга зарур маълумотлар бериб боришмоқда.

— Менда ҳомиладорликда кўп учрайдиган камқонлик касали аниқланган эди, — дейди Марҳамат Абдуғафорова. — Поликлника қошида ташкил этилган «Оналар мактаби»даги тушунтиришлар натижасида бу касалликни даволашда ҳеч қандай дори-дармон шарт эмаслигини, овқатланиш режимида риоя этиш зарурлигини билиб олдим. Шифокорларнинг кўрсатмаларига мувофиқ овқатланишимга эътибор қаратдим. Такрорий таҳлиллар менда бу касалликнинг барҳам тошганини, саломатлигим меъёрида эканини кўрсатди. Бунинг учун муассаса шифокорларидан миннатдорман.

Поликлника фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, муассаса қошида «Оналар мактаби» ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Бу ерда ҳомиладор аёллар тур-

баркамол авлодни дунёга келтириш, тарбиялаш ва вояга етказиш ватанимиз истиқболига даҳадор масаладир. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш эса бу борадаги энг муҳим қадимдир.

ЮДУЗ ҲОЖИЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Муаммога ижодий ёшдошиш

ҒОЯВИЙ ТАРҒИБОТНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТИ

САВОЛ: — Ғоявий тарғибот ишнини ташкил этишда маслаҳатчидан нималар талаб қилинади?

ЖАВОБ: — Ғоявий тарғиботнинг самарали бўлиши маслаҳатчи зиммасига катта масъулият юклайди.

Биринчи талаб: маслаҳатчи миллий ғоямиз моҳиятини чуқур идрок этиши, унинг моҳият-мазмунини муфассал билиши зарур.

Иккинчи талаб: ишнини маҳалла аҳлининг барча хусусиятлари — ёши, психологик хусусиятлари, касби, миллати, диний эътиқоди, идрок этиш имкониятлари, билим даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил эта олиши лозим.

Учинчи талаб: тарғибот усуллари билан қуролланганлиги, аҳоли билан ҳамкор ва ҳамфикрлиги, қачон, қайси тарғибот ва ташвиқот услубларини қўлашни билиши ниҳоятда муҳим. У мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш бевосита маҳалланинг ҳар бир фуқаросига боғлиқ эканлигига уларни ишонтириши керак.

Тўртинчи талаб: ғоявий тарғибот ишига ижодий ёндашиш. Хусусан, мамлакатимиз тараққиётига хос далиллар, маҳалла тарихи, миллий-маънавий қадриятлар ва умуминсоний қадриятларга асосланган, оддий, ҳаётдан олинган мисолларни қўлай олиш ижобий натижа беради.

Бешинчи талаб: ҳалқимизнинг бой тарихий мероси — ёзма ва озаки ижоди намуналарига мурожаат қилиш орқали аждодларимизнинг маънавий жасоратларидан ўрнак олишга эҳтиётли бўлиши лозим. Узоқ ва яқин ўтмиш тўғрисида бир томонлама, ўта содда, нотўғри тасаввур ҳосил бўлишдан сақланиш жуда муҳимдир.

Олтинчи талаб: ҳаётни теран билиш, ютуқ ва муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, аҳолининг ўзини уларга жавоб топшига қизиқтириш, муҳокамаларда эр-

кин иштирок этишини таъминлаши керак. Тингловчилар шунчаки эшитувчи бўлиб қолмаслиги лозим. Айтиш пайтда, маслаҳатчининг ўзи барча жиҳатдан иборат бўлиши керак.

Еттинчи талаб: баҳс, мунозаралар, турли мисоллар орқали одамларни тўғри йўналишга солиш, аҳолида эркин ва мустақил фикрлашни шакллантириш, мутелекдан холи авлодни тарбиялаш тўғрисидаги мулоҳазаларни доимо эсда тутиш лозим.

Саккизинчи талаб: маҳалла аҳлининг мустақиллик буюк неъмат эканлигини англаб етишига, уларда келажакка мустақам эътиқод, ишонар ҳосил бўлишига эришиш. Бунга эришиш учун унинг маъно ва моҳиятини ҳаётий лавҳалар, маҳалладаги кишилар тақдирини, оилалар эришган ютуқлар мисолида кўрсата олиш.

Маҳалладошларимиз боқимандалик қайфиятини қўлланганини осон кечмаётганлигини, бундан халос бўлиш учун одамлардаги онг ва тафаккур ўзгаришига, уларда ўз имкониятларига таяниш, ташаббускорлик, фидойилик туйғуси шаклланишига боғлиқ эканлигини онг ва қалб билан чуқур идрок этишларига эришиш.

Тўққизинчи талаб: бутунги таҳликали дунёда маҳалла аҳлининг оқ билан қоранинг фарқини ажратишларига эришиш, тарғибот ишларида узилиш, тасодифийлик, мавсумийликка йўл қўймастик, ҳўжақўрсинга иш қилмаслик, бундай салбий ҳолатлар рўй берганда, зудлик билан уларнинг олдини олиш.

Ўнинчи талаб: оммавий ахборот воситалари хабарлари, жойлардаги уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашувлар, тарғиботнинг замонавий усуллари билан фойдалана билишлари мақсадга мувофиқдир.

«Маҳаллада ғоявий тарғибот» китобидан.

НАМУНАЛИ ҚВП

Қишлоқдаги шифо маскани

МУҲАББАТ ҳали ёшига тўлмаган гўдакни синчиқлаб назоратдан ўтказаркан, онасига қарата:

— Тавсияларимизга тўла амал қиласиз, муолажа яна давом этади. Дарвоқе, «Ферронат» ичиришни тўхтатманг, — деди.

Она шифокорга миннатдорчилик билдириб хонадан чиқди.

— Алихоннинг вази камроқ, ривожланиши суст, шу боис тез-тез назоратдан ўтказиб туришимиз.

Чиноз тумани «Кўтарма» қишлоғи ҳудуддаги «Ўзбекистон» қишлоқ врачлик пункти бош шифокори Муҳаббат Мўминовани суҳбатга чорладик.

— Ҳудудимиздаги 8 та маҳалла фуқаролар йиғинининг ҳар бирига тиббий ходим, доя, патронаж ҳамшира бриктирилган, — дейди М.Мўминова. — 2212 нафар туғиш ёндаги аёл бор. Ҳукуматимиз, бевосита Президентимиз томонидан қабул қилинган қарор ва дастурлар асосида чора-тадбирлар белгилаганмиз. Изчил олиб борилаётган ишлар натижасида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича муайян самараларга эришмоқдамиз. 2009 йилнинг биринчи чорагида 55 нафар ҳомиладор аёли рўйхатга олинган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг биринчи чорагида 44 нафарни ташкил этади. Бу аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини яхши йўлга қўйганимиз ва аҳолининг тиббий саводхонлиги юксалиб бораётганидан далолат. Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида 134 нафар туғиш ёндаги аёлга ўз хоҳишлари билан контрацептив воситалар бепул қўйилди.

Ҳа, ҚВПдаги 29 нафар тиббиёт ходими қишлоқ аҳолисига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, бемарид ҳомиладорликнинг олдини олиш, соғлом бола туғилишига эришиш каби

кенг қамровли вазифаларни бажариб келмоқдалар.

Муассаса «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича йил сайин тақомиллашиб замонавий тиббиёт ускуналари билан тўлиқ жиҳозланмоқда. Реактив тўлама билан узлуксиз таъминланган «ФЕК» аппаратида 5 турдаги биохимия таҳлиллар амалга оширилмоқда. ЭКГ, физиотерапия хоналари ҳам фуқаролар хизматида. Хафтанинг маълум кунларида туман марказий шифохонаси гинеколог Турсуной Бакирова туғиш ёндаги ва ҳомиладор аёлларни тиббий назоратдан ўтказди, зарур маслаҳатлар беради. Муассаса қошида тарғибот ишларини йўлга қўйишда «Кўтарма» қишлоғидаги мактаблар директорлари, маҳалла маслаҳатчилари, тиббиёт ходимлари, имом хатиблардан иборат махсус штаб фаолият юритмоқда. Улар режа асосида тарғибот ишларини олиб боришмоқдалар.

М.Мўминова хотин-қизлар ўртасида фаол иш олиб борилаётган тиббиёт ходимларидан катта ҳамшира Гулчехра Абдуллаева, патронаж ҳамширалар Гулгойим Акимова, Робиға Абдуллаева, Асал Қўйчибекова, Жаннатой Салимбековалар билан бирга маҳалла маслаҳатчилари Маҳбуба Исмоилова, Хайринисо Дурхўжаева, Марғуба Йўлдошевларнинг хизматларини алоҳида таъкидлади.

Жорий йилда Қишлоқ врачлик пунктида «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда айтиш пайтда ҳудуддаги 5 та мактабда тиббий кўрик ўтказилмоқда. Бундан ташқари, ўқувчилар даврасида «Гийҳвандлик — илат», «ОИТСиз келажак сари», «Биз соғлом турмуш тарзи тарғиботимиз» каби мавзуларда суҳбатлар ташкил қилинмоқда.

ҲАБИБА ШЕРОВА

УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИ

Элга нафи теккан одамлар

Бутун Хўжалик қишлоғида тўй. Аниқроғи, қизлар базми. Даврага қишлоқнинг каттаго кичик аёллари, қизлари жам бўлган. Барча келинчакнинг чиқишига мунтазар. Шу пайт даврага «Ёр-ёр» садолари остида миллий либосдаги келинчак қизиқиб келди.

— Вуй, кўйлагининг бежиримлигини! — деди кўзлари ёниб бир қиз. — Адрасдан жуда чиройли тўй либоси тикишибди-я.

— Ким тиккан экан? — деб қизиқиб сўради бир-бирдан қиз-жувонолар.

— Мардонахон тиккан, — деди ўрта ёшлардаги аёл.

— Узимизнинг Мардона-я? — ажабланиб сўрашди аёллар.

— Ҳа, узимизнинг Мардона. Қўллари дард кўрмасин, узим жуда чевар-да. Ён-атрофда қиз-жувоноларни тўлаб ўз хунарини уларга ҳам ўргатаяпти, — деди боғия аёл.

Дарҳақиқат, бу аёлнинг тўққизлаб гапириши бежиз эмас. Мардона Саидова шаънига бундай мақтов, миннатдорчилик сўзлари деярли ҳар қун айтилади.

— Мардонахоннинг маҳалламизда иш бошлагани хотин-қизлар учун янги имкониятлар яратди, — дейди Бовот туманидаги Хўжалик қишлоғи «Янги қадам» маҳалласи маслаҳатчиси Ражабгул Саидова. — Либосларни зардўз, бисер, кашта гуллари билан безатиши, бежирим ёстик жиддари тайёрлаши кўпчилигининг эътиборини тортган. Мардонахонга қийим тиктириш учун қўшни туманлардан ҳам буюртмалар тушади. Шу кунгача у эликка яқин шогирд тайёрлади. Бутун унинг истеъодли шогирдларидан Яйраҳон тайёрлаётган сунъий гуллар маҳалламиз бўй-айвонларига фойз киритаётган бўлса, Фотимахон тиккаётган бир-бирдан кўркли либослар барчага манзур бўлмоқда.

Мардона Саидова «Ташаббус — 2010»

кўрик-танловнинг туман босқичи болиб бўлди, вилоят босқичида фахрли ўринни эгаллади. Ишлари Республика хотин-қизлар кўмитаси томонидан муносиб баҳолашиб, кўмита ташаббуси билан ташкил этилган «Қўли гулдир ўзбек аёли» савдо кўргазмасида иштирок этиб қайтди.

Яна бир тадбиркор Зокиржон Абдуллаев Бовот тумани Найман қишлоғи «Эшонлар» маҳалласида истиқомат қилади. Маҳалладаги қаровсиз ётган эски дўқонни таъмирлаб, кичик цех очиб қандолатчиликни йўлга қўйиш ғояси аслида акаси Ботиржондан чиққан. Бу ташаббусини қишлоқ оқсоқоли Шомурод Отаназаров сингари кўпчилик қўллаб-қувватлади. Дастлаб қийинчиликлар бўлди. Аммо изланиш ва тадбиркорлик тўғрисида ишлар ўнлабна бошланди. Ҳозир Зокиржон юришган ушбу корхонада маҳалланинг беш нафар фарзанди иш билан банд, ҳунар эгаллашмоқда. Корхонада ишлаб чиқари-

лаётган 8 турдаги маҳсулот нафақат маҳаллада, балки туманда ҳам харидордир.

— Ҳозиргача кўлаб шогирдларни тайёрлади, — дейди З. Абдуллаев. — уларнинг бари ўз ишининг устаси. Айрим шогирдлар мустақил иш бошлаш арафасида. Биз элга оз бўлса-да нафимиз тегаётганидан бахтиёрмиз.

Хоразм азалдан уста-қунарамандлар юрти. Бутун Бовотда бу анъанани давом эттириб келаётган Мардона Саидова, Зокиржон Абдуллаев сингари ёш, эл қорига камарбаста тадбиркорлар талайгина. Улар доимо изланишда. Ишлаб чиқараётган маҳсулот турларини кўпайтириш, шогирдларнинг элга нафи тегадиган инсонлар бўлиб етишишлари йўлида меҳнат қилоқдалар. Бу эса юртимизда тадбиркорлар кўпайишидан, ҳалқимиз турмуш фаровонлиги янада юксалишидан далолатдир.

Муҳбиримиз

ТЕАТР

Саҳнада акс этар ҳаёт

Ўзбек миллий академик драма театрида сахналаштирилган «Оилавий сир» спектаклини томоша қилиш учун борганимизда чипталар сотиб бўлинган экан, аммо томошага кирмоқчи бўлаётганлар анчагина эди. Томошабинларнинг истаклари инобатга олиниб, қўшимча жой ҳозирланди.

— «Оилавий сир» спектаклининг муваффақият қозонишининг сабаби ғоясида деб биламан, — дейди спектаклни сахналаштирган режиссёр Муборак Мадазимова. — Асарнинг бош ғояси оиладаги тотувликни асраш. Бунда, албатта, муаллим — таниқли драматург Иzzат Султоннинг, актёрларнинг маҳоратини алоҳида таъкидлаш керак. Биз эса унга замонавий жилло бердик, ҳоло.

Дарҳақиқат, оилада ота оқил, тадбиркор бўлса, ҳар қандай муаммоларга, зиддиятларга ечим топа билади, оиланинг тугалигини таъминлайди. Асардаги ота то-

дан ҳулоса чиқаришга ундай билишимиз зарур. Ахир, бекорга театрни ҳаёт кўзгуси дейишмайди-да. Узим неча бор сахнада маҳалла оқсоқоллари, раислар, фаоллар тимсолини яратганман.

«Оилавий сир» спектакли ниҳоятда етар экан, томошабинлар олқиши узоқ давом этади. Хуш кайфиятда театр биносини тарқ этаётган юртдошларимизнинг таассуротлари билан қизиқдик.

— Мен Андижон шаҳридаги Маҳдум Аъзам номидаги маҳалладанман, — дея гап бошлади ўзини Гулнара Аҳмедова деб таъништирган аёл. — Томошадан жуда завқландик, саҳна безаклари, актёрлар ижроси, қўлига кўринишлар бизга эстетик завқ улашиб, кайфиятимизни кўтарган бўлса, спектаклда илғари сурилган муаммолар ўйга чўлдирди. Истарики, театр актёрлари бизнинг маҳаллаларимизга ҳам боғлиқ томошалар кўрсатиша. Чунки ҳамма

маҳалладошларимиз ҳам пойтахтга келишга вақт топавермайди.

— Бутунги томошадан отанинг оиладаги ўрни, келин ва аёлига, фарзандларига қандай муносабатда бўлиши кераклиги, энг чигал вазиятлардан ҳам тадбир ишладиб чиқиб кета билиши зарурлиги ҳақида хулоса чиқардим, — дейди Шаҳрисабз шаҳар «Оқсарой» маҳалласида яшовчи Анвар Муҳаммадиев. — Театрга кизиқиб ҳамшира кучли бўлган. Бутун ҳам зални тўлдириб ўтирган одамларни кўриб бунга яна бир бор амин бўдим.

Дарҳақиқат, бутун мамлакатимизнинг театр сахналарида намоиш этилаётган сахна асарларида турмушимиздаги воқеа-ҳодисаларни тўлақонли акс эттиришга ҳаракат қилинаётгани маънавий ўчоғи — театрга томошабинларнинг ташрифида ҳам акс этмоқда.

Шаҳна РАШИДОВА

Осойишталик таъминланмоқда

Юнусobod туманидаги "Посира" маҳалласи раиси Муҳаббат Юсупова Жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жазони ўтаб чиққан шахслар билан ишлаш комиссияси аъзолари — участка профилактика инспектори Алишер Ҳошимов, маҳалла посбони Юсуф Пирматов, сардор Икром Омонов билан бирга хонадонларда паспорт тартиби асосида текширув олиб бораётган пайтда таниш отахонни маъюс ҳолда учратди. Отахон билан саломлашгач, инспектор унинг тушқун кайфияти сабабини сўради.

— Нимасини айтиш, ўғлим, — деди отахон. — Қариганида одам хушёрликни йўқотиб қўяди, шекилли. Ҳозиргина кўчадан келаётиб, қўл телефонини ўғирлатиб қўйдим...

— Кўп қуноаверманг, ота. Телефонингизни комиссиямиз аъзолари билан топшига уриниб кўрамиз. Ўғирлик маҳалламиз ҳудудида юз берган экан, бунга бефарқ қарай олмаيمиз, — дея маҳалла раиси Муҳаббат Юсупова отахонга дала берди.

Уша куни хонадонларга бирма-бир кириб, фуқароларнинг ҳолидан хабар олган М.Юсупованинг хаёлидан қўл телефони билан боғлиқ воқеа кетмади. "Уғри маҳалламиздан, эндигина мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўспирин бўлса-чи? Бугун қинғирликка ўрганган бола, эртага ҳар қандай қабиҳликка қўл урмаймиди? Бу масалага жиддий эътибор қаратмасак бўлмайди", деган уй унга тинчлик бермади. Шу боис, кечга яқин ўзи расийлик қилаётган Жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жазони ўтаб чиққан шахслар билан ишлаш комиссияси аъзоларини йиғин идорасига чақирди. Бўлиб ўтган воқеани айтиб, маҳалла раиси мустақил ҳаётга қадам қўяётган ўспирин бўлса-чи? Бугун қинғирликка ўрганган бола, эртага ҳар қандай қабиҳликка қўл урмаймиди?



© фото-Носир Хайдаров

риштирув ишлари ўз самарасини берди: телефон ўргиси топилди. У ичкиликка муккасидан кетган, шу маҳалла фуқароси экан. Телефон ўз эгасига қайтарилиди ва ўғирлик содир этган фуқаро билан профилактика ишлар олиб борилди.

Ҳа, бугун "Посира" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида тинчлик, осойишталикни таъминлашда мазкур комиссия аъзоларининг алоҳида ўрни бор. Айниқса, комиссия ўз таркибига "Маҳалла посбони" жамоат тузимаси аъзолари, участка профилактика инспектори, кўчабошилар, маҳалла нурунийлари ва фаолларидан иборат ўн нафар аъзони бирлаштиргани жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда муҳим омил бўламоқда.

Маҳаллада 6 нафар жазо муддатини ўтаб чиққан шахс яшайди. Комиссия аъзолари доим уларнинг ҳолидан хабар олиб туришади. Чунки тўғри йўлдан адашиб, қамалиб чиққан фуқаролар ўз ҳаётларини қайтадан бошлашга қийналишади. Шунингдек, жамиятда уларга нисбатан салбий кайфият уйғонган бўлади. Шу сабабли, уларнинг одамларга қўшилиб кетиши қийин кечади. Агар бунга ўз вақтида эътибор қаратилмаса, яна жиноятга қўл уришлари мумкин. Бундай одамларни, аввало, маҳаллага қўшишга, сўнгра туман бандаликка қўмақлашувчи марказ орқали ишга жойлаштиришга ҳаракат қилинади. Оиласининг моддий аҳволини тиклаб олиши учун моддий ёрдам ҳам берилади.

Таъкидлаш жоизки, ўрта мактабни битирган ўқувчиларнинг касб танлашига ёрдам беришда ҳам Жамоат хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жазони ўтаб чиққан шахслар билан ишлаш комиссияси аъзолари жонбозлик кўрсатишади. Бу борада ёшларнинг бекор юришининг олди олиниб, бўш вақтларини фойдаланиш ишларга сарфлаш ташкил этилади. Масалан, куни кеча пойтахтимиздаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида мактаб битирувчилари учун "Мутахассислик — сенинг келажагинг" мавзусида ташкил этилган кўргазмада "Посира" маҳалласидан 150 дан орტიқ ёш иштирок этишди. Кўргазмада уларга Тошкент шаҳридаги 118 та академик лицей ва касб-хўнар коллежлари томонидан 180 дан орტიқ кичик мутахассислик бўйича таълим олиш ҳақида маълумот берилади.

Бугун "Посира" маҳалласида мазкур комиссиянинг ҳуқуқ-тартибот идорлари билан ҳамкорликда таълим муассасалари, ота-оналар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида олиб бораётган фаолияти натижада ҳудудда жиноят содир этиш ҳолатлари кескин камиймоқда.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ, "Mahalla" мухбири.

"MAHALLA" ЖАВОБ БЕРАДИ Мулкни ижарага бериш мумкин

САВОЛ: — Кейинги вақтларда мулкни ижарага бериш ёки ижарага олишни билдирувчи эълонлар кўпайиб кетди. Мулкни ижарага берса бўладими ва у қандай тартибда амалга оширилади?

З.ОЛЛАБЕРГАНОВ
Хазорасп тумани

Жавоб: — Мулкни қонун ман этмаган ҳолларда ва тартибда ижарага бериш мумкин. Мулк ижараси шартномаси бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

Мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортиқ муддатта мўлжалланган ёки тарафлардан бирортаси юридик шахс бўлган ҳолларда, муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. Кўчмас мулк ижараси шартномаси давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Ҳужжатни йўқотган бўлсангиз...

САВОЛ: — Яқинда ўзимга тегишли тураржой майдони ҳужжатини йўқотиб қўйдим. Унинг дубликатини олиш учун тураржойдаги нотариал идораларга мурожаат қилса бўладими?

М.КАМОЛОВ
Бувайда тумани

Жавоб: — Кваттирага бўлган ҳуқуқни белгилувчи юридик ҳужжат, у давлат ҳудудидан сусийлаштирилган далолатномаси, олди-соти ҳақи, алаштиришга доир шартнома, мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ёки суд ҳокимиятининг тегишли қарори бўлади, йўқотган тақдирда, дарҳол топиламалар идорасига мурожаат қилиш ва га-зетга эълон бериш лозим. Агар ҳужжат шундан кейин ҳам топилмаса, уни йўқотган шахс дубликат олиш учун йўқолган ҳужжат берилган дастлабки жойга мурожаат қилиши керак. Унутмаслик жоизки, ҳужжатнинг дубликати фақат йўқолган ҳужжатнинг аслини тайёрлаган ва фуқарога берган муассаса, жумладан, давлат нотариал идораси ёки хусусий нотариал идоралар томонидан берилиши мумкин.

Оила манфаати ҳимояда

САВОЛ: — Хориж давлатларида никоҳ шартномалари тузилиши ва нотариал тартибда расмийлаштирилиши ҳақида ўқиган эдим. Бундай амалиёт юртимизда ҳам мажбурдирми? Агар бўлса, у қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади ва унинг ўзига хос хусусиятлари нималарда иборат?

С.БОБОЖОНОВА
Жиззах шаҳри

Жавоб: — Маълумки, 1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг янги Оила кодекси қучга кирди. Унинг қоидалари оилани, вояга етмаган болалар ва оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари манфаатларини устувор даражада муҳофаза қилиш учун зарур бўлган иқтисодий шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги конституциявий меъёрларга асосланган. Унга давлатимизнинг аввали қонунчилигида мавжуд бўлмаган янги ҳуқуқий институтлар ва меъёрлар ҳам киритилган. Жумладан, никоҳ шартномаси ва алимент тўлаш тўғрисидаги қонуннинг 30-ва 131-моддаларга мувофиқ, нотариал тартибда тасдиқлангани лозим. Шартнома никоҳ давлат рўйхатига олинганга қадар ва ундан кейин ҳам тузилиши мумкин. У ёзма шаклда ва нотариал тартибда тасдиқланади.

Никоҳ шартномасида эр-хотиннинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқи чекланмади. Бундан ташқари, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулк муносабатлари, уларнинг бола-болаларига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тартибга солинимаслиги лозим. Шартномага меҳнатга лаёқатсиз, таъминот олишга мўлҳож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидалар, тарафлардан бирини ноқулай ҳолат солиб қўядиган ёки оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид бўлган бошқа шартлар киритилиши мумкин эмас. Бунга эътиборсизлик билан қараш никоҳ шартномаси, эр-хотиндан бирининг талабига биноан, суд томонидан тўла ёки қисман ҳаққий эмас, деб топилганига сабаб бўлиши мумкин.

Кодексга кўра, эр ва хотин никоҳ шартномаси тузаётганда қуйидаги ҳуқуқларга эга: — биргаликдаги умумий мулкнинг Оила кодексига белгиланган тартибини ўзгартириши; — томонларнинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёки ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги, улушли ёки алоҳида эгаллик қилиш тартибини ўрнатиш; — ўзаро моддий таъминот бериш, оила харажатларини кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиш; — никоҳдан ажралганда томонларнинг ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олиш; — мулкий муносабатларга оид бошқа қоидаларни белгилаш.

Саволларга Миробод туманидаги 5-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси Махсума Ортиқова жавоб берди.

ТАХРИРИЯТ АРАЛАШГАЧ...

Протест келтирилди

Тахририятимизга Хоразм вилояти Урганч шаҳри Мустақиллик кўчаси 41-уйда яшовчи Улибиби Панаевадан шикоят хати келган эди. Унда У.Панаева тўхматга қолгани, суд идоралари ҳам маҳаллага ноҳилок ёндашгани тўғрисида куйиниб ёзган.

Биз шикоят хатини қонун доирасида ўрганиб, чора кўриш учун ҳуқуқ-тартибот органларига юборган эдик. Яқинда ушбу хат юзасидан Хоразм вилоят прокуратурасидан жавоб олдик. Уни эътиборингизга айна ҳавола этаймиз: «Фуқаро У.Панаеванинг жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 23.12.2009 йилдаги ўзига нисбатан бўлган маъмурий иш бўйича чиқарган қарордан норозилиги тўғрисидаги аризаси маъмурий иш ҳужжатларини ўрганиш йўли билан кўриб чиқилди. Аниқланишича, У.Панаева суд қарорига кўра, МЖТКнинг 41-моддаси билан айбон деб топилди, МЖТКнинг 33-моддаси қўлланилган ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари, яъни 50.080 сўм миқдорда жарима жазосига тортилган.

Суд қарорига нисбатан У.Панаева томонидан келтирилган шикоятга асосан маъмурий иш 22.02.2010 йилда жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар суди раиси томонидан кўрилиб, суд қарорининг У.Панаевага оид қисми ўзгартирилган.

Бироқ суд томонидан маъмурий иш кўрилишида МЖТКнинг 294-моддаси талабига риоя қилинмасдан, қарор қабул қилинганлиги сабабли, жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 23.12.2009 йилдаги қарорини ва мазкур қарорни ўзгартириш кучида қолдириш ҳақидаги шу суд раисининг 22.02.2010 йилдаги қарорининг У.Панаевага нисбатан бўлган қисмини бекор қилиб, маъмурий ишни янгидан бошқа суд таркибиде кўриш ҳақида вилоят суди кассация судлов ҳайъати га кассация тартибда протест келтирилди.

Вилоят прокуратурининг биринчи ўринбосари Н.Н.БАЙТЕМИРОВ.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭСИЗ ОДАМЛАР

Эрта хазон бўлган умр

